



ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ТАШҚИ АУДИТИ МАСАЛАЛАРИ

Мадгазиева Динара

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0001-8073-3479

dinaraoy@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилган консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг ташқи аудитини ташкил қилиш ва ушбу масалани Ўзбекистон банк тизимида жорий этиш масалалари, шу жумладан, тижорат банклари фаолиятининг ташқи аудитига АХС жорий этиш масаласи, банкларда аудиторлик амалларини қўллаш масалалари таҳлил қилинган. Банк амалиётида АХСни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатларининг банк молиявий ҳисоботлари аудитининг хусусиятлари ва уни амалга оширишдаги ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: халқаро аудит стандартлари, банк амалиётида АХС, банк фаолияти аудитининг хусусияти, банк аудити стандартлари, консолидациялашган молиявий ҳисобот аудити.

ВОПРОСЫ ВНЕШНЕГО АУДИТА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ УЗБЕКИСТАНА

Мадгазиева Динара

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы организации внешнего аудита консолидированной финансовой отчетности коммерческих банков, составленной на основе международных стандартов финансовой отчетности, а также вопросы внедрения этого процесса в банковскую систему Узбекистана. В частности, анализируется внедрение международных стандартов аудита (МСА) во внешний аудит деятельности коммерческих банков, применение аудиторских процедур в банках, а также особенности внедрения МСА в банковской практике. Рассмотрены специфические аспекты аудита финансовой отчетности банков и особенности его проведения.

Ключевые слова: международные стандарты аудита, МСА в банковской практике, особенности аудита банковской деятельности, стандарты банковского аудита, аудит консолидированной финансовой отчетности.

ISSUES OF EXTERNAL AUDIT OF FINANCIAL STATEMENTS IN COMMERCIAL BANKS OF UZBEKISTAN

Madgazyeva Dinara

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article examines the organization of external audits of consolidated financial statements of commercial banks prepared in accordance with International Financial Reporting Standards (IFRS), as well as the implementation of this process within the banking system of Uzbekistan. In particular, the study analyzes the introduction of International Standards on Auditing (ISA) in the external audit of commercial banks' activities, the application of auditing procedures in banks, and the specific aspects of implementing ISA in banking practice. The article also discusses the distinctive features of auditing banks' financial statements and the peculiarities of conducting such audits.

Keywords: International Standards on Auditing, ISA in banking practice, features of bank activity audit, bank audit standards, audit of consolidated financial statements.

Кириш.

Жаҳонда кенг миқёсда рақамлаштириш жараёнини амалга оширилиши ва халқаро талаблар асосида ахборотларни етказиб бериш масаласининг ечимини топишда умумий ахборот етказиб беришнинг асоси бўлган халқаро стандартлар масаласи муҳим ҳисобланади. Ушбу соҳада амалга оширилган назарий ва амалий изланишларнинг ривожланишида, айниқса халқаро стандартларнинг жорий этилишидаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимини топишга доир изланишларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги молиявий ҳисоботларни шакллантириш концепцияси ва уларни тартибга солувчи ахборот-услубий таъминотини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида шакллантириш тартибини ишлаб чиқиш масаласини долзарблигини белгилайди. Халқаро интеграция жараёнида турли мамлакатларнинг молиявий ҳисоботларини бир хил тушуниш ва таҳлил қилиш имконини бериши учун ҳамда молиявий рискларнинг таъсирини бир хил методикада ҳисоблаш бўйича муаммоларни ечимини топиш учун энг аввало банк тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш лозим.

Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш, ҳисоб тизимини халқаро стандартлар талаблари асосида юритилиши ҳисобот ахборотларининг ишончлилигини оширишда муҳим саналади. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно” (Қарор, 2020). Ушбу Фармонга кўра, акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий хўжалик фаолиятига оид молиявий ҳисоботларни тайёрлаш МҲХСлари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид яна бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур мақола муайян даражада методологик жиҳатдан хизмат қилиши мумкин деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги тижорат банклари фаолияти молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этилиши натижасида банкларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар талаблари асосида тақдим этиш имконияти яратилади. Ушбу келтирилган масалаларнинг ечимларини топиш натижасида банк тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш натижасида тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларини халқаро амалиёт асосида ташкил этиш имкони яратилади. Натижада банкларнинг фаолиятини чет эллик ҳамкор, инвесторлар томонидан тушуниши ва улар асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиши учун имконият яратилади ва банкларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш имкони яратилади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шаффофлиги ва уни ахборот истеъмолчилари томонидан тушуниш имконияти яратилади.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Республикасидаги банк тизимининг ўзига ҳослиги, унинг мураккаблиги ва хажмларининг катталиги сабабли уларни ташкил этишнинг хусусиятини инобатга олиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Кейинги йилларда тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва уни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга урғу берилиши молиявий ҳисоботни замонавий талабларга мослаш ва уларни жаҳон ҳамжамиятда белгиланган тартибда юритишни тақозо қилмоқда. Хусусан тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини халқаро талабларга мослаб юритилиши натижасида уларни қимматли қоғозларини халқаро фонд биржаларида иштирок этишига ва уларни чет эллик ҳамкорлар билан тўла қонли ишлашига, молиявий ҳисоботларини ҳаққонийлигини текшириш, уларнинг бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишини текшириш халқаро аудити томонидан амалга оширилиши ва улар томонидан белгиланган талабларга мос равишда аудит текширувини халқаро аудит стандартлари ва ички назорат тизимини баҳолаш, таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш масалаларининг ечимини топиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Тижорат банкларида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантириш, уни халқаро талаблар асосида ташкил этиш, банк тизимининг мақсад ва вазифалари, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари ва ушбу масаланинг амалга ошириш ва МҲХС банк амалиётига жорий қилиш бўйича турли хорижлик иқтисодчи-олимлари томонидан бир қанча илмий изланишлар олиб борилган: “Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлардан фойдаланилиш афзалликлари: биринчидан, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисоботларни юритиш – халқаро капитал бозорига қўшилишнинг реал имконияти. Агар корхона халқаро даражадаги ҳисоботга эга бўлмаса, чет эл инвесторлари нуқтаи назаридан рақобатбардош ҳисобланмайди. иккинчидан, Халқаро тажрибага кўра, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган ҳисоботларнинг фойдалилиги, юқори сифатлилиги, кенг маълумотга эгалиги ва фойдаланувчилар учун қулайлиги. Бугунги кунда кўп фонд биржалари чет эл эмитентлари учун халқаро стандартлар бўйича тузилган ҳисоботларини биржада намоиш этишга рухсат бераётгани бунинг ёрқин мисолидир. учинчидан, вақт ва ресурсни тежаш имкони. тўртинчидан, Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг жаҳон тажрибасини ўзида мужассамлиштирганлиги” (Дусмуратов ва бошқ., 2020). Ушбу масаланинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шуки, бу МҲХС ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасида тан олиниш шу жумладан банк тизимида халқаро стандартларни жорий этиш масаласини ҳал қилиб берди. МҲХС банк тизимидаги тегишли бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботга таллуқли ҳужжатларнинг тан олиниши ва уни қўллайдиган тижорат банкларининг белгилаб берилиши, ушбу компания ҳисобчи ва молия мутахассисларидан ўз малакаси устида доимий ишлаши ва масъулиятни жиддий ҳис этишини талаб этади.

Дунё иқтисодиётнинг глобаллашуви ва рақамлашуви муносабати билан давлатлардаги тизимлар ўзаро уйғунлашуви натижасида иқтисодий тизим шакли, сифати, ишончлилиқ даражасини таққосланиши ва тақдим этилаётган иқтисодий маълумотларни шакллантиришда умумий ва ҳамма тушунадиган ягона бўлган банклардаги ҳисоб тизимини қабул қилиш зарурияти келиб чиқади. Ушбу масалада адабиётларни таҳлили жараёнида бир гуруҳ иқтисодчилар томонидан Ибрагимов, Умаров, Ҳотамов, Ризаев (2020) шундай фикр билдирилган: “Ана шундай ягона тизим молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ҳисобланади ва ушбу стандартлар 1973 йили 10 та йирик мамлакат АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Канада, Австралия, Ирландия, Голландия ва Мексика малакатларининг бухгалтер ва аудиторлар уюшмаси томонидан Молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган

бухгалтерия тамойилларини бир шаклга келтириш мақсадида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича Қўмитаси (МҲХСҚ) тузилган. Бугунги кунда Қўмита 112 мамлакатнинг 153 та шундай уюшмани ўзига жамлаган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

МҲХС – асосий мақсади дунёда барча мамлакатларнинг молиявий ҳисоботларининг энг яхши жихатларини инобатга олган ҳолда, уларни такомиллаштириб ҳамма учун мақбул бўлган молиявий ҳисоботларнинг унверсал стандартларини яратиш ва ҳаётга жорий қилиш йўлларини излаб топишдир” (Ибрагимов ва бошқ., 2020).

Бошқа иқтисодчи-олима Чилматова (2022) томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига ўтиш масаласида қуйидагича фикр билдирилганлигини кўришимиз мумкин: “Шуни таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” деган фикрни билдириб асосий эътиборни ушбу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш масаласига қаратади.

Бундан ташқари, ушбу масалада иқтисодчи-олима И.Р.Ибрагимова томонидан шундай фикр билдирилган: “Хорижий мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш усулларининг самарадорлиги, акциядорлик жамиятларига нисбатан қўйилган рейтинг натижалари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- кўпчилик давлатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлади;
- ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро эталон сифатида фойдаланилади;
- фонд биржалари ва тартибга солувчи органлар томонидан молиявий ҳисоботни МҲХСларига мос равишда тузилишини талаб қилинганда;
- МҲХС талаб қилинмайдиган мамлакатларда ҳам компаниялар сони ортганлиги туфайли фойдаланилиши”.

Юқоридагилар туфайли МҲХС бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто, баъзи мамлакатлар МҲХСни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса, мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида халқаро ҳисоб тизимини жорий қилиниши бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритишда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса бухгалтерия ходимлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг асосий тамойиллари ва услубий асослари тўғрисида етарли даражада тушунча ва билимларга эга бўлишлари зарур.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига, халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга уриниши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини, миллий кўрсаткичларни хорижда қўлланилаётган ушбу кўрсаткичлар билан мувофиқлашувини талаб этмоқда. Айниқса тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини қўлланиши Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг халқаро банк тизимига уйхунлашувига катта ёрдам беради ва уларнинг қимматли қоғозларининг халқаро фонд биржаларида

котировка қилишига таъсир қилади. Шу сабабли ушба масалад бир гуруҳ олимлар томонидан ушбу масаланинг мамлакатимизда муҳимлигини таъкидлаб ўтишган.

“Республикамиздаги банк ва молия тузилмаларини жаҳондаги иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар банк тизимлари қаторига киришини таъминлаш ва бу соҳада жаҳон амалиёти ютуқларини бевосита банк тизими фаолиятига қўллаш, жаҳон банк тизимидаги банкларнинг молиявий ҳисоботларини тузишнинг концептуал ва ўзига хос асосларини ишлаб чиқариш ва банк амалиётига қўллаш бевосита банкларнинг ривожланиши ва мустақамланишига туртки бўлади. Шунингдек, жойида бўлган ишончнинг янада ошишидан далолат бермоқда” (Ибрагимов, 2011). Натижада Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг турли потенциал фойдаланувчиларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг сифат тавсифини ва ахборотларнинг ошқоралик даражаларини янада кучайтириш лозимлигини билдиради ва бунда жаҳон амалиётида ишлаб чиқарилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини қўллаш катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини жорий қилиниши унинг ривожланиши ва халқаро молия институтлари билан алоқасини янада яхшилайдди.

Демак юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, ушбу масалада иқтисодий адабиётларда иқтисодчи-олимлар томонидан турлича фикрлар билдириши ушбу масаланинг етарлича пухта ишланмаганлигини кўрсатади.

Хўш ушбу масалада хорижий мамлакатларнинг иқтисодчи-олимлари томонидан қанадй фикрда эканлигини таҳлил қилсак, қуйидагича фикрлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шу жумладан Россиялик иқтисодчи-олим Дарякин (2010) томонидан қуйидагича таъкидланган: “Россияда ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро қоидаларига ўтиш жараёни энг аввало банк секторидан бошланди. 2004 йилдан бошлаб Россиядаги банклар молиявий ҳисоботларини Россия қоидалари асосида тузиш билан биргаликда халқаро стандартлар талабларига мос равишда ҳам тақдим қилишни бошлашди. Жаҳонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш учун шарт-шароит яратилиши, йирик тижорат банкларини халқаро тизимга интеграциялашуви натижасида тақдим этилаётган молиявий ҳисоботларни чет эллик бизнес ҳамкорлар тушунадиган шаклда тузиш амалга оширилди. Натижада банк тизими халқаро тизимга интеграциялашуви ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш имконияти яратилди”. Демак тижорат банкларида халқаро тизимга интеграциялашуви натижасида тақдим этилаётган молиявий ҳисоботлар чет эллик ҳамкорлар тушунадиган ва халқаро банк тизимига интеграциялашув даражаси юқори эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари ушбу масалада бошқа иқтисодчи-олимлар фикрини ўрганишимиз натижасида қуйидагича фикр мавжудлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ушбу масалада проф. Тетерлева (2016) томонидан Россия тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби тизимини юритиш қоидалари халқаро стандартлар билан белгиланган ва уни халқаро талабларга мос равишда юритишга доир фикрлар билдирилган: “Россиядаги банк тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига кўра тақдим қилинадиган ҳисобот шакллари белгиланган бўлиб, унда банкларнинг фаолияти, даромадлиги даражаси, фойзли ва фойзсиз харажатлар ва маъмурий бошқарув харажатларини ҳисобини ташкил қилиш, банк даромад ва харажатлари, тижорат банкининг ўз маблағлари ва молиявий аҳволи ҳамда молиявий натижалари ҳақидаги қиёсланадиган ва аниқ маълумотлар тизими шаклланган бўлади”. Демак тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларининг халқаро талабларга мос келиши

натижасида халқаро стандартларга трансформация жараёнлари анчагина енгил кечади. Бундан ташқари проф. Кулаева, Ершова (2020) томонидан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тегишли даврда хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолияти натижаларини акс эттирувчи молиявий кўрсаткичлар тизимини айнан шунга мос келадиган, яъни халқаро стандартга асосланган ҳолда ифодалаш зарур” дея таъкидлайди. Демак, халқаро стандартларга асосланган молиявий ҳисобот шаклларида шу жумладан тижорат банкларининг молиявий ҳолати, эришган натижалари улар фаолияти бўйича тегишли хулоса чиқариш имконини беради.

Шундай қилиб, тижорат банкларида молиявий ҳисобот шакллари умумий ва тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда қуйидаги стандартлардан фойдаланилади: Молиявий ҳисобот шакллари ва стандартлари (IAS №1 “Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш”, IAS № 7 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”, IAS №8 “Молиявий ҳисобот ва ҳисоб сиёсати”, IAS №27 “Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисоботлар”, IAS №32 “Молиявий инструментлар: ахборотни тақдим қилиниши,” IFRS №7 “Молиявий инструментлар: ахборотларни очиқ бериш”, IFRS №-9 “Молиявий инструментлар” номли расмий манбалар орқали қайд қилинган.

Чунки Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан ҳисоботни шакллантиришда ушбу МХҲС қўллаши муҳим аҳамият касб этади. Масалан банкларда молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботга кириши лозим бўлган ахборотлар таҳлил учун қулай бўлган тартибда жойлаштирилиши керак. Бухгалтерия моддаларини жойлаштиришда уларнинг ликвидлилик даражасига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Айниқса тижорат банклари томонидан ушбу ҳисоботни кўрсаткичларини шакллантириш жараёнида алоҳида ўзига хос жиҳатлари, Бунда қуйидаги қоидалар муҳим роль ўйнайди. Баланс моддаларини жойлаштиришда уларнинг ликвидлилик даражаси ҳисобга олинади, яъни тезкор ликвидли активлардан қийинларига, қисқа муддатли мажбуриятлардан узоқ муддатлиларига ўтиш тартибига риоя қилинади. Бундан ташқари активларни даромад келтирадиган: банкнинг бошқа банклардаги ҳисобварақлари, қимматли қоғозларга инвестициялар, кредит ва лизинг каби активлари муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари даромад келтирмайдиган активларига асосий воситалари, номоддий активлар, бошқа активлари, кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов хужжатлари, қимматбаҳо металллар, тангалар, тошлар, мижозларнинг молиявий инструментлари ва бошқалар киради. Ушбу жараён муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил қилиш, уларнинг даромад ва харажатларини аниқлаш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Шунда амалдаги активларни жорий мажбуриятлар билан солиштириш имконияти туғилади. Бу эса баланснинг ликвидлигини аниқлашда ахборот фойдаланувчиларига қулай имконият яратади. Ушбу масалада халқаро талаблар доирасида белгиланган қоидалар, шу жумладан банк тизими учун ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро тизими масаласи муҳим ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг фаолиятига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этилиши тартибини ўрганиш асосида қуйидаги таклифлар берилди:

1. Ўзбекистон тижорат банклари томонидан консолидациялашган молиявий ҳисоботларни шакллантириш жараёнида халқаро талабларга мос равишда ҳисобот тузишда асосий масала молиявий ҳисоботларни МХҲС талабларига мос равишда ташкил этиш зарурияти пайдо бўлади;

2. Хорижий пул ўтказмаларни ва чет эл банклари билан амалга ошириладиган ўзаро муносабатлар бўйича банк амалиётини ташкил этишда

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос равишда ташкил этиш ва унинг ҳисоботларини халқаро талабларга ўзаро мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

Шундай қилиб ушбу илмий изланиш доирасида тижорат банкларининг фаолиятида стандартларни жорий этишга доир ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга жорий қилиниши тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини халқаро талаблар асосида юритиш имкониятини беради ва уларни халқаро талаблар доирасида тартибга солиш имконияти яратилади.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Дарякин А.А. (2010) *Международные стандарты финансовой отчетности в деятельности Российских коммерческих банков*. Авто. дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Казань: КФЭИ, -24 с.

Дусмуратов Р.Д., Ризаев Н.К., Назаров Х.Х.–Молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари / Ўқув қўлланма – Т.: «ТДАУ», 2020 – 512 б. Б.45.

Ибрагимов А.К. (2011) *Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси/Монография*. -Т:«МОЛИЯ», - 206 б. Б.

Ибрагимов А.К. Умаров З.А., Ҳотамов К.Р., Ризаев Н.К. (2020) *Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Дарслик, (2-чи қайта ишланган наشري) – Т.: «Iqtisod-Moliya», – 446 б. Б.10-11.*

Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.К. (2010) *Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби*, Тошкент: Молия, -176 б.

Ибрагимова И.Р. (n.d.) *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш*. И.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. Тошкент: ТДИУ, -246. Б.12-13.

Кулаева Е.И., Ершова Н.Б. (2020) *Особенности учета в банке с введением новых стандартов МСФО // Проблемы и перспективы развития научно-технологического пространства России: Сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 11 июня 2020 г.: Белгород:ООО АПНИ. С. 72-75.*

Қарор (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон Қарори.*

Тетерлева А.С. (2016) *Международные стандарты финансовой отчетности*. Екатеринбург:Урал. ун-та, -176 с.

Чилматова Д.А. (2022) *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш.// .SCIENTIFIC PROGRESS. Volume 3 ISSUE 2. Б 552-557.*